2024-yil 25-yanvar // payshanba // № 13 (4921)

Yurt taraqqiyoti yo'lida birlashaylik!

Ishonch

• O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan



ЎЗБЕКИСТОНДА МИЛЛИЙ ҲАВО СИФАТИ СТАНДАРТЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚИЛАДИ

«Ishonch» саволи | **Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлигига!**

СИЗЛАР ҲАМ ШУ ҲАВОДАН НАФАС ОЛАСИЗЛАРМИ?

PM 2.5

Экология вазирлигининг (eco.gov.uz сайтида) маълум қилишича, Ўзбекистоннинг географик ва иқлимий хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти кўрсатмаларига эришиш қийин.

«Унга кўра, PM 2.5 нинг ўртача йиллик миқдори 5 мкг/м³, ўртача суткалик миқдори 15 мкг/м³. Дунёнинг ҳеч бир мамлакатидаги кўрсаткичлар ЖССТ тавсия этган стандартларга мувофиқ эмас, кўп давлатлар ўз миллий стандартларини қабул қилган.

Маълумот учун, АҚШ ва Мексикада бу стандарт 12 мкг/м³, Беларус ва Японияда – 15 мкг/м³, Европа Иттифоқи мамлакатларида – 25 мкг/м³, Россияда – 20 мкг/м³, Хитойда 35 мкг/м³, Ҳиндистонда эса 40 мкг/м³. Жанубий Кореяда PM 2.5 стандарти йўқ», **– дейилади вазирлик изоҳида.**

Қайд этилишича, айни дамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу йўналишда, яъни Ўзбекистонда атмосфера ҳавоси сифати мониторинги бўйича миллий платформа ва мобиль иловани ишлаб чиқишга қаратилган лойиҳа амалга оширилмоқда. Унга кўра, ҳаводаги майда заррачалар миқдори ва уларнинг аҳолига таъсири бўйича миллий ҳаво сифати стандартлари ишлаб чиқилади. 2023 йилда лойиҳа доирасида Сурхондарё, Бухоро, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасида аҳолининг атмосфера ҳавоси ифлосланишидан касалланиш даражасини ўрганиш бошланган.

Экология вазирлигининг бу топилмаси, бундан буён Тошкентнинг ҳавосидан гапириб бошимизни қотирманглар, деган чақириқдай бўлибди.

Сизлар ишлаб чиқадиган «Миллий стандарт»га кўра, Ўзбекистонда дарахтларни кесишни тўхтатиш шарт эмас, деб чиқсангизлар ҳам ажабланмаймиз энди.

Жамият эса пойтахт ҳокимлиги ва Экология вазирлигидан бу борада қандай чоралар кўрилиши бўйича қатъиятли таклифлар кутган эди. Аммо... Ахир бу нима деган гап? Тошкентнинг бугунги экологик ҳолати, магарки бу стандартларга жавоб бериши қийин бўлган тақдирда ҳам ўта хавотирли экани аниқ-ку! Нега энди дарахтларни кесиш, автомобилларнинг зарарли чиқиндисини камайтириш, инсон омили билан боғлиқ бўлган чекловларни киритиш каби ҳамма руҳан тайёр ва бажаришга рози бўлган ва муҳими, улар орқали миллионлаб одамлар саломатлигига хавф солаётган вазиятни яхшилаш йўлидан бормайсизлар? Сиз айтаётган хорижнинг тажрибасиям ўлсин-а! Нега ўзингизга осон ва қулай бўлган тажрибаларни оласизлар-у, жамият фойдасига хизмат қиладиган, эртанги кунга дахлдор бўлган таклиф ва ташаббусларни қабул қилмайсизлар?

Шу ўринда бир савол: сизлар ҳам шу ҳаводан нафас оляпсизларми ўзи?

37 952 000 СЎМЛИК

ИШ ҲАҚИ УНДИРИБ БЕРИЛДИ

Фарғона вилояти

Муродил Зияев «Gross Sug'urta» компаниясининг Марғилон филиалида директор лавозимида ишлаб келган. У билан тузилган меҳнат шартномаси ўзининг розилиги билан бекор қилинади.

Лекин иш берувчи томонидан унга 3 ойлик иш ҳақи тўланмасдан қолиб кетади. Югур-югурлардан чарчаган Муродил Зияев бузилган ҳуқуқларини ҳимоя қилишда ёрдам сўраб, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашига йўл олади.

Мурожаатни ўрганиш мақсадида қонун доирасида «Gross Sug'urta» компаниясига ҳужжатларни тақдим этиш ҳақида сўровнома юборилади. Негадир компания тегишли ҳужжатларни тақдим этмайди. Шунга кўра, мазкур иш М.Зияевнинг ҳужжатлари асосида кўриб чиқилади.

«Gross Sug'urta» компаниясининг 2023 йил 11 октябрдаги буйруғи билан М.Зияев билан тузилган меҳнат шартномаси ходимнинг ташаббуси билан бекор қилиниб, 2021 йил 16 ноябрдан 2023 йил 11 октябргача бўлган муддат учун тўлиқ ҳисоб-китобни амалга ошириш белгиланган. Фойдаланилмаган барча йиллик асосий ва қўшимча таътиллар учун 46 кун ҳисобида пуллик компенсация тўлаб бериш қайд этилган.

Ўрганиш давомида «Gross Sug'urta» компанияси томонидан М.Зияев билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган кунга қадар фойдаланилмаган йиллик асосий ва қўшимча таътил кунлари учун 37 млн. 952 минг сўм иш ҳақи ҳисоб-китоб қилинган бўлса-да, ушбу маблағ тўлаб берилмаганлиги аён бўлди. Компания билан олиб борилган музокаралардан сўнг ушбу маблағ ундириб берилди.

Авазхон ТЎРАХЎЖАЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бош юрисконсульти

Касаба уюшмаси аралашгач...

МАРДИКОР АЁЛЛАР ҚИСМАТИ

Тошкентнинг биқинидаги Назарбек мардикор бозорига ҳар куни

40-50 киши

вақтинчалик иш излаб келади. Ораларида

60-65 ёшли

кекса аёллар ҳам бор. Аксарияти турли вилоятлардан келиб, бозор яқинидаги маҳаллада ижарага берилган хонадонларда яшайди.

4-саҳифада ўқинг...

ШАРОФАТНИНГ ДАРДИНИ КИМ ЭШИТАДИ?

3-саҳифада ўқинг...

Бухоро вилояти

АДОЛАТ ҚАРОР ТОПДИ

Бухоро вилояти болалар кўп тармоқли тиббиёт маркази ҳамшираси Н.Фармонова Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгашига мурожаат қилди.

Аризада иш берувчи томонидан даъвогар ғайриқонуний равишда ишдан бўшатилгани билдирилган. Мурожаат ўрганиб чиқилди ва иш судга оширилди.

Суд иш бўйича тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, тиббиёт маркази томонидан Н.Фармоновага нисбатан қўлланилган буйруқни ғайриқонуний деб топди. Уни бекор қилиш, ходимани ишига тиклаш, мажбурий прогул кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш бўйича даъвогарнинг талабларини қаноатлантириш юзасидан қарор чиқарди.

Ҳамро ЧОРИЕВ,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Бухоро вилояти кенгаши меҳнат ҳуқуқ инспектори

www.ishonch.uz | ishonch1991@yandex.uz | https://www.facebook.com/ishonch.gazetasi | https://t.me/ishonchgz

DAVR
Quyosh nurlarini berkitib bo‘lmaganidek, haqiqatning chirog‘ini ham so‘ndirib bo‘lmaydi.
Abulqosim Zamaxshariy

2024-YIL 25-YANVAR, PAYSHANBA
№ 13 (4921)

Сирдарё вилояти

Ходимлар таянчи

ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Саккиз йилдан буён Гулистон давлат университети касаба уюшмаси қўмитасига раҳбарлик қилиб келаман. Фаолиятим давомида шунга амин бўлдимки, ходимлар касаба уюшма қўмитасига суянади, унга ишонадилар. Шу боис у ёки бу масала бўйича эмин-эркин мурожаат қиладилар. Қабулда бўлган ҳар бир ходимга варақалар расмийлаштирилади. Кўтарилган муаммони ҳал этиш учун тегишли чоралар кўрилади ва уни ҳал этиш юзасидан университет маъмуриятининг тегишли бўлимларига тақдим этилади.

Ходимларнинг мурожаатларини ўрганиб чиқиш учун мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилган бўлиб, арзлар тушган кундан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида кўриб чиқилади ва бу ҳақда таклиф киритган шахсга ўн кун ичида маълум қилинади. Ариза ва шикоятлар касаба уюшмасига тушган кунидан эътиборан бир ойгача бўлган муддат ичида, қўшимча ўрганишни ва текширишни талаб этмайдиган ариза ва шикоятлар эса ўн беш кундан кечиктирмай кўриб чиқилади. Ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш учун текшириш ўтказиш, қўшимча материаллар талаб қилиб олиш ёки бошқа чора-тадбирлар кўриш зарур бўлган ҳолларда, ариза ёки шикоятни кўриб чиқиш муддати касаба уюшма томонидан истисно тариқасида узоғи билан бир ойга узайтирилиб, бу ҳақда ариза ёки шикоят берган шахсга маълум қилинади.

2023 йил давомида тушган 43 та мурожаатнинг 23 таси жисмоний шахслар, 20 таси юридик шахслар томонидан берилган бўлиб, шундан 20 таси электрон тарзда, 12 таси оғзаки ва 11 таси ёзма шаклда тақдим этилган. Муҳими, уларнинг 28 фоизи ўз вақтида қаноатлантирилиб, 71 фоизи бўйича тушунтиришлар берилди. Мурожаат турлари бўйича таҳлил қилинганда, уларнинг 38 таси билдиришнома ва 5 таси таклифларни ташкил этди.

Мурожаатларнинг асосий қисми ходимларнинг иш ҳақига устамалар белгилаш, ходимлар учун ички туризмни уюштириш, моддий ёрдам, болалар соғломлаштириш оромгоҳларига йўлланмалар, спорт мусобақаларини ташкил этиш ва ғолибларни тақдирлаш, соғломлаштириш санаторийларига йўлланмалар ажратиш масалаларига тааллуқлидир. Мурожаатларнинг 96 фоизи 10 кундан ошмаган муддатда кўриб ҳал этилди. Чунончи, қизлари «Зомин» болалар соғломлаштириш оромгоҳида дам олган Диёра Ахназарова, энг яхши санаторийларда бўлган Абдумалик Шодмонқулов, Ўғилой Эрбўтаева, Манзура Шаматова, Ориф Раҳматов, моддий кўмак олган Абдуҳошим Назаров, Дилдора Бадиева, Шаҳло Умарова каби касаба уюшмамиз аъзолари мурожаатлари ўз вақтида қаноатлантирилганидан мамнун. «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» дастури доирасида юртимизни сайр қилмоқчи бўлган кўплаб ходимларимиз ҳам ўз орзуларига етдилар.

Ҳар бир мурожаат замирида касаба қўмитасига бўлган ишонч, умид ётади. Шундай экан, бундан буён ҳам касаба уюшмаси аъзоларининг мурожаатлари диққат-эътиборимизда бўлади.

Абдураҳмон ЮСУФАЛИЕВ,
Гулистон давлат университети бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси

Навоий вилояти

Йиғилиш

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи тумани кенгашининг 2023 йил якунлари ҳамда жорий 2024 йилнинг муҳим масалаларига бағишланган навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

МУҲИМ ЙЎНАЛИШЛАРГА БАҒИШЛАНДИ

Тадбирни Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Баҳодир Асланов кириш сўзи билан очар экан, йиғилганлар эътиборини тизимда олиб борилаётган ишлар, меҳнат қонунчилиги билан боғлиқ янгиликлар, ислоҳотлар ҳамда ишчи-ходимлар манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш борасидаги муҳим вазифалар кўлами кенгайиб бораётганига қаратди.

Шундан сўнг Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Хатирчи тумани кенгаши раиси Шуҳрат Қодировнинг ўтган йил натижаларига доир ҳисоботи тингланди. Таъкидландики, туманда касаба уюшмалари аъзолари сони 2023 йилда 15 минг 78 нафарга етди. Унинг асосий негизини фаол ёшлар ташкил этади. Кенгашга йил давомида келиб тушган 100 га яқин мурожаатларнинг барчасига ижобий ечим топилди.

Мажлис давомида ташкилий масала кўриб чиқилди. Туман ўрмон хўжалиги бўлими бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Фарҳод Халилов бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан у кенгаш ҳамда ижроия қўмита аъзолари сафидан чиқарилди. Унинг ўрнига Рустамжон Эсонов бир овоздан сайланди.

Ўзбекистон агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси ўринбосари Тўхтамурод Бозоров туман кенгаши фаолиятида ички туризмни ташкил қилиш, болажонларни ёзги соғломлаштириш оромгоҳларига жалб этиш борасидаги мавжуд камчиликлар ва муаммоларни зудлик билан бартараф этиш лозимлиги устида тўхталди.

Мажлис сўнггида жорий йилда касаба уюшмалари тизими томонидан амалга оширилиши лозим бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.

Нормурод МУСОМОВ
«ISHONCH»

Фарғона вилояти

Кўрик-танлов

МЕҲНАТ КОДЕКСИ БИЛИМДОНЛАРИ АНИҚЛАНДИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Фарғона вилояти кенгаши Меҳнат кодексининг мазмун-моҳиятини фаолларга самарали етказиш ҳамда билимларини ошириш мақсадида «Меҳнат кодексини биласизми?» танловини ташкил этди. Унда тармоқ касаба уюшмалари Республика кенгашларининг вилоят, туман ва шаҳарлардаги масъул раҳбарлари, вилоят кенгаши аппарати ходимлари ҳамда ташкилотлардаги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари раислари қатнашди.

– Ташкилий қўмита томонидан Меҳнат кодексининг ҳар 25 та моддасидан тайёрланган 15 тадан тест саволлари махсус гуруҳда 23 кун давомида бериб борилди. Иштирокчилардан тест саволларига 15 дақиқа ичида тўғри жавоб бериш талаб этилди. Танловда 18 нафар иштирокчи ғолиб деб топилди, – дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгаши бўлим мудири Аброр Отабоев.

Шуни алоҳида таъкидлаш ўринлики, танлов иштирокчилар меҳнатга оид муносабатларни тартибга солишга хизмат қиладиган Асосий қонунимизнинг мазмун-моҳиятини янада теранроқ англаб етдилар. Шунингдек, ғолиблар иштирокида супер финал уюштирилди. Унда барча саволларга тўғри жавоб берган Тошлоқ тумани тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма қўмитаси раиси Фаридахон Мирзааҳмедова «Меҳнат кодексининг энг билимдони» деб топилди.

Танлов ғолибларига Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Фарғона вилояти кенгашининг диплом ва қимматбаҳо эсдалик совғалари топширилди.

Жамшид ЭРГАШЕВ
«ISHONCH»

Наманган вилояти

Муҳокама

ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти Учқўрғон тумани кенгаши тизимидаги Учқўрғон 2-сонли қишлоқ хўжалигига ихтисослашган ўқув муассасасида жамоа шартномасининг 2023 йил якунларига бағишланган конференцияси бўлиб ўтди.

Конференция ишида агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раисининг ўринбосари Эркин Байниязов, Республика кенгашининг бўлим мудири Шоҳида Бегимқулова иштирок этди.

Конференцияда 33 нафар делегатлардан 31 нафари қатнашди.

Тасдиқланган кун тартиби бўйича мактаб директори ва мактаб бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси жамоа шартномасининг 2023 йилда бажарилиши юзасидан ҳисобот беришди. Жамоа шартномасининг бажарилишини назорат қилувчи комиссия раиси Фарида Тўхтабоева жамоа шартномасининг бажарилиши юзасидан тайёрланган далолатномани ўқиб эшиттирди.

Музокаралардан сўнг жамоа шартномасининг 2023 йилдаги бажарилиши қониқарли деб баҳоланди ва кун тартибидаги масала юзасидан тайёрланган қарор лойиҳаси қабул қилинди.

Конференция давомида Республика кенгаши раисининг ўринбосари Эркин Байниязов сўзга чиқиб, касаба уюшмаси ва муассаса маъмурияти амалга оширган ижобий ишлар, йўл қўйган камчиликлар ва келгуси вазифалар тўғрисида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Конференция якунида бир қатор меҳнат фаоллари эсдалик совғалари билан тақдирланишди.

Алишер ЖАВҲАРОВ,
Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси Наманган вилояти кенгаши масъул ташкилотчиси

Қорақалпоғистон Республикаси

Ўқув-семинар

Сўнгги йилларда бошланғич ташкилотларнинг фаолиятига алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалий ишлар кўлами кенгайгандан кенгайиб бормоқда. Фаолиятни такомиллаштириш юзасидан кўпдан-кўп вазифалар белгиланмоқда.

ФАОЛИЯТ ТАҲЛИЛИ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг Қорақалпоғистон кенгаши ижроия қўмитаси қарори асосида туман (шаҳар) кенгашлари ва бошланғич ташкилотларга иш фаолиятини талаб даражасида амалга оширишни таъминлаш юзасидан амалий ёрдам кўрсатиш режаси ва Ишчи гуруҳ таркиби тасдиқланган эди. Айни вақтда мазкур гуруҳнинг жойлардаги фаолияти ўз самарасини бермоқда.

Ушбу ташаббусдан кўзланган мақсад касаба уюшмалари фаолларининг ҳуқуқий маданиятини, касбий маҳорати ҳамда масъулиятини ошириш ҳисобланади. Шунингдек, у ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни ишлаб чиқиш учун таклиф ва тавсиялар беришда касаба уюшмалари аъзоларининг билим доирасини кенгайтириш, ходимларнинг меҳнат ҳуқуқлари ҳимоясини янада яхшилаш, аъзолик афзаллик томонларини тарғиб қилишга ҳам хизмат қилади. Қолаверса, фаолларнинг тизимли равишда ўқитилишини ташкил қилиш, ижтимоий шериклик тамойили асосида ҳамкорлик механизмларини ривожлантириш, жамоа шартномаси самарадорлигини ошириш, намунали ташкилотлар фаолиятини оммага етказишга ҳам ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилади. Яқинда Мўйноқ тумани касаба уюшмаларига амалий ёрдам кўрсатиш юзасидан тадбир уюштирилди. Тадбир давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича иш берувчилар билан бирга ўқув-семинар ташкил қилинди ва уларнинг малакалари оширилди.

Семинарда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши раиси ўринбосари М.Данияров бошланғич ташкилот фаолиятини такомиллаштириш борасидаги вазифаларга атрофлича тўхталди, ишчи гуруҳ томонидан муайян таклифлар киритилиб, тартиб-тамойиллар бўйича маълумот ва маслаҳатлар берилди.

Иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларига мутасаддилар томонидан аниқ жавоблар олдилар.

Гулнора ИЛМУРАДОВА,
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Қорақалпоғистон кенгаши Ташкилий ишлар бўлими мудири

Бухоро вилояти

Жараён

ФАРОВОНЛИК ВА БАХТ МАНБАИ

Муайян ташкилотда фаолият юритаётган ишчи-хизматчиларнинг бирлашиши ва аҳил-иноқ бўлиб ишлашида касаба уюшмаларининг ўрни беқиёс.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар таълим муассасамиз фаолиятида ҳам ўз ифодасини топмоқда. Масалан, ўтган йили бошланғич касаба уюшма қўмитаси ҳамда иш берувчилар томонидан ишчи-ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш, уларга муносиб иш шароитлари яратиш, бўш вақтларини мазмунли ташкиллаштириш, маданий ҳордиқ олишлари ва турли байрамларни нишонлашлари учун муносиб шароитлар яратишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ана шу жараёнда жамоа шартномаси иш берувчи ва ходимлар ўртасидаги меҳнатга, ижтимоий-иқтисодий масалаларга ва касбга оид муносабатларни тартибга солувчи маҳаллий норматив ҳужжат вазифасини ўтади. Йил давомида иш ҳақлари ҳам, ҳар чоракда, шунингдек, Ўқитувчи ва мураббийлар куни муносабати билан бериладигани мукофот пуллари ҳам жамоа аҳлига ўз муддатида тўлаб борилди. Ходимлар ва уларнинг оила аъзолари ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланиш учун оилавий мусобақалар уюштирилди. Байрамларга бағишлаб ўтказилган спартакиадалар ва спорт турлари бўйича мусобақалар ҳам барчани соғлом турмуш тарзига чорлади.

Табиийки, йил давомида ишчи-ходимлар касаба уюшма қўмитаси ҳисобидан юртимиздаги санаторийларга йўлланмалар билан таъминланди. Бундан ташқари, қўмита ва меҳнат муносабатларига оид низоларни кўриб чиқиш комиссияси изчил фаолият олиб борди. Турли масалаларга доир оғзаки ва ёзма мурожаатларнинг ҳаммасини ишчи-ходимлар фойдасига ҳал этиш доимий равишда унинг диққат марказида бўлди.

Қўмитамиз бундан буён ҳам ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимоясини таъминлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш, саломатликларини сақлаш ва бошқа қатор вазифаларни бажариш учун собитқадамлик билан фаолият юритади.

Солиҳ ЭЛИЕВ
Ромитан туманидаги 8-умумтаълим мактаби бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси, Халқ таълими аълочиси

Жиззах вилояти

Халқаро алоқалар

Иқтисодий ҳамкорликнинг ЯНГИ УФҚЛАРИ

Давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига навбатдаги ташрифи икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорлик янада кенгайиши учун катта имкониятлар эшигини очиши кутилмоқда. Президентимизнинг расмий сафари арафасида Жиззах вилояти ҳокими Эргаш Салиев бошчилигидаги делегация Хитойнинг қатор провинциялари ва шаҳарларида бўлиб, хитойлик ишбилармон доиралар билан амалий учрашувлар, бизнес-форумлар ўтказишди.

– Вилоятимиз делегациясининг хитойлик тадбиркорлар билан учрашувларида мамлакатимизда тадбиркорлар учун имтиёз ва енгилликлар, қулай инвестицион шароитлар яратилгани маълумот ўрнида баён қилинди ва бу хитойлик ишбилармонларда катта қизиқиш уйғотди, – дея Хитойдан хабар берди вилоят ҳокимининг матбуот котиби Акмал Биноқулов. – Ўзаро суҳбатлар давомида ҳар икки томондан иқтисодиётининг устувор жиҳатлари ва етакчи соҳаларига эътибор қаратилмоқда. Тадбирлар доирасида Жиззах вилояти делегацияси ва Хитой тадбиркорлари ўртасида бир қатор келишув меморандумлари имзоланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбарининг Хитой Халқ Республикасига сафари бутун мамлакатимиз каби Жиззах вилояти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Яқинда Жиззах эркин иқтисодий зонасида Хитой билан ҳамкорликда пўлат арматуралар ишлаб чиқарадиган корхона ишга туширилди. 2023 йилнинг сўнгги чорагида ишга туширилган пўлатни қайта ишлаш заводига хитойлик сармоядорлар томонидан 12 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилди. Айни пайтда замонавий бу корхонада 6 хил ўлчамдаги сифатли арматура маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Корхонада хитойлик мутахассислар билан бирга 30 дан зиёд маҳаллий ёшлар ҳам меҳнат қилаётир.

– Ўзбекистонда хорижлик инвесторларга берилган имкониятларни кўриб, Жиззахда иш бошладик, – дейди хитойлик инвестор ЛИ ЮЭ. – Биз 8 соатда 300 тоннагача маҳсулот ишлаб чиқара оламиз. Бир ойлик ишлаб чиқариш қувватимиз эса 9 минг тоннани ташкил этади. Келажакда мамлакатингиз бозорида бизни яхши қабул қилишса, талабга кўра, қувватни янада ошириш имконига эгамиз.

Зафаробод тумани ҳудудида фаолият кўрсатаётган «Huaxin sement» вилоятда муваффақиятли фаолият юритиб келаётган Ўзбекистон – Хитой қўшма корхоналаридан бири.

Корхонани барпо этишга Хитойнинг «Huaxin» компанияси томонидан 150 миллион АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Бундан уч йил аввал ишга туширилган корхонада айни пайтда 400 ва 500 маркали юқори сифатли цемент ишлаб чиқариляпти. Энг юқори технологиялар асосида барпо этилган ва ишлаб чиқариш жараёнлари тўлиқ компьютерларда бошқариладиган заводда 360 нафар ўзбекистонлик ва 70 нафар хитойлик ишчи ҳамда мутахассис меҳнат қилмоқда.

Муқимбой ИСМОИЛОВ
«ISHONCH»

Тошкент вилояти

Адлия ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари эътиборига!

ШАРОФАТНИНГ ДАРДИНИ КИМ ЭШИТАДИ?

Бекобод туманининг Ўрикзор маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Шарофат Пардаева болалигидан I гуруҳ ногирони ҳисобланади. 2019 йилда уни Бекобод шаҳар Ногиронлар жамияти раиси Хосият Омонова ушбу ташкилот қошида очилган махсус ўқув курсида ишлашга таклиф қилади. Шарофат бунинг учун зарур барча ҳужжатларни тайёрлаб топширади. Ўзига расман меҳнат стажи ёзилишини эшитгач, дадил ишга киришиб, шогирдларга зардўзлик ва тўқувчилик ҳунарларини ўргата бошлайди. Кейин эса...

– Мен қуруқ ваъдаларга ишониб, анча вақтимни беҳуда ўтказганимга ачинаман, – дейди у. – Устига-устак, ногиронлик аравачам механик усулда бошқарилади. Бўғимларим оғришига қарамай, уни қўлда бошқариб, узоқ масофага ишга бориб-келишим осон бўлмади. Яна денг, ойлик маошларим ҳам тўлиқ берилмади. Лекин ўз ҳунаримни севганим ва меҳнат билан банд бўлишни астойдил истаганим учун икки йилча ишимни ташламадим. Шу жараёнда ойлик маошларимни тўлиқ беришларини, иш стажи ёзилишини сўраб кўп жойларга мурожаат қилдим. Аммо ҳалигача ҳеч қандай натижага эришолмадим. Мен бир нарсага ҳайронман: гарчи ойликни тўлиқ бермас, меҳнат дафтарчаси очиб, стаж ёзмас экан, раҳбарият нега менга такрор-такрор ваъда берди, нега ишга қабул қилди?

Биз Шарофат Пардаевани қийнаётган масалаларга аниқлик киритиш мақсадида Бекобод тумани ҳокимлигининг Хотин-қизлар бўлими бошлиғи Хуршида Қурбонова билан боғландик.

– Бу фуқаро акаси ва унинг оила аъзолари билан бирга яшайди, – деди суҳбатдошимиз. – Ў ўтган йили ўзига алоҳида уй-жой зарурлиги ҳақида бизга мурожаат қилди. Шунга кўра, масъуллар ва ҳомийларни жалб этган ҳолда, ўша ҳовли этагида унга икки хонали уй қуришни бошлаб юборганмиз. Бироқ унинг Бекобод шаҳар Ногиронлик жамиятига боғлиқ муаммоларидан хабаримиз йўқ. Электрон ногиронлик аравачаси олиши учун эса, уни «Инсон» ижтимоий марказида худди шундай мосламаларга муҳтожлар рўйхатига киритиб қўямиз. Бундан ташқари, яқинда касаначилик корхонаси очилиши режалаштирилган. Биз Шарофат Пардаевани унда ишлашга жалб этамиз. Бошқа муаммоларини ҳам бартараф этиб, мушкулини осонлаштириш чораларини кўрамиз.

Хуршида Қурбонованинг жавобларидан қониқиш ҳосил қилгач, Бекобод шаҳар Ногиронлар жамияти раиси Хосият Омонова билан гаплашдик. Айтишича, у мазкур ташкилотга олти йилдан буён раҳбарлик қилади. Жамият қошида «Мурувват – кўмак» номли МЧЖ очилган. Бу ишни ҳудуддаги қўлидан иш келадиган ногирон хотин-қизларни бир жойга жамлаб, меҳнатга йўналтириш ва тайёрлаган маҳсулотлари сотилишидан фойда олишларини назарда тутган ҳолда амалга оширган. Ҳозир жамиятда 50 нафарга яқин ногирон ишлайди. МЧЖ уларнинг қўл меҳнати орқали яратилган маҳсулотлар билан тўлган. Айрим мутасаддилар бу буюмлар кўргазмасини уюштиришга ва сотилишига ўз ҳиссаларини қўшмоқдалар.

– Албатта, ҳамма ҳам расман иш жойига эга бўлишни истайди, – дейди Хосият Омонова бизни қизиқтирган масалага алоҳида тўхталиб. – Мен бошқараётган иш якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ бўлгани туфайли ҳар бир ишчини расмийлаштиришнинг уддасидан чиқа олмаяпман. Буни ҳатто Ногиронлик жамияти орқали ҳам амалга оширолмаяпман. Шарофат Пардаевани қийнаётган масала бугун жамиятнинг барча аъзоларининг, ҳатто ўзим раис бўлсам-да, менинг ҳам муаммоим бўлиб қолмоқда. Чунки бу ҳақда кўплаб идораларга қилган мурожаатларим зое кетяпти. Қолаверса, ҳозир бу ердаги ногиронлар фаолиятини кенгайтириш ҳаракатидамиз. Бунинг учун айрим воситалар бизга субсидия асосида ажратилиши керак. Лекин ўтган йили шу асосда берилиши айтилган 12 та тикув машинасини ноиложликдан кредитга олганмиз. Ҳозиргача уларнинг пулини тўлаяпмиз. Ҳолбуки, бу ўринда маҳсулотлар айланмаси ҳам ҳисобга олиниши шарт. Уларнинг савдосидан яхши тушум бўлмаса, кредитни сўндириш осон кечмайди. Бу ердагиларнинг аксарияти эса I ва II гуруҳ ногиронлари. Шундай экан, нима сабабдан улар учун зарур жиҳозлар субсидия асосида берилмайди? Бугун ҳам айнан шу масала бўйича қилган мурожаатимга шаҳар Савдо-саноат палатасидан «Мурожаатингизни ёзиб қўйдик, албатта, ёрдам берамиз» деган жавоб олдим. Яқинда шаҳар ҳокимига дардимизни такроран айтгандик, мутасаддилар бу масала Халқ депутатлари Бекобод шаҳар кенгашининг навбатдаги сессиясида кўриб чиқилишини маълум қилишди. Начора, энди ўша сессия қачон бўлишини кутяпмиз...

ХУРШИДА ҚУРБОНОВАНИНГ ЖАВОБЛАРИДАН ҚОНИҚИШ ҲОСИЛ ҚИЛГАЧ, БЕКОБОД ШАҲАР НОГИРОНЛАР ЖАМИЯТИ РАИСИ ХОСИЯТ ОМОНОВА БИЛАН ГАПЛАШДИК. АЙТИШИЧА, У МАЗКУР ТАШКИЛОТГА ОЛТИ ЙИЛДАН БУЁН РАҲБАРЛИК ҚИЛАДИ. ЖАМИЯТ ҚОШИДА «МУРУВВАТ – КЎМАК» НОМЛИ МЧЖ ОЧИЛГАН. БУ ИШНИ ҲУДУДДАГИ ҚЎЛИДАН ИШ КЕЛАДИГАН НОГИРОН ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БИР ЖОЙГА ЖАМЛАБ, МЕҲНАТГА ЙЎНАЛТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАГАН МАҲСУЛОТЛАРИ СОТИЛИШИДАН ФОЙДА ОЛИШЛАРИНИ НАЗАРДА ТУТГАН ҲОЛДА АМАЛГА ОШИРГАН.

Сўнгги пайтлар юртимизда ногиронлар барча соҳаларда бошқалар сингари эмин-эркин ва фаол иш юритишлари, ўз ҳақ-ҳуқуқларидан ва жорий имтиёзлардан тўлиқ фойдаланишлари йўлида қатор ишлар амалга оширилияпти. Ана шундай бир пайтда бекободлик I гуруҳ ногирони Шарофат Пардаеванинг орзуси нега рўёбга чиқмаяпти, талаблари нега бажарилмаяпти? Ногиронлар жамияти раисининг тегишли ташкилотларга мурожаатлари нима учун жавобсиз қоляпти? Нима учун уларга, жилла қурса, аниқ ва асосли тушунтиришлар берилиб, фойдали йўл-йўриқлар кўрсатилмаяпти?..

Модомики, шундай экан, мутасадди ташкилотлар – Адлия ҳамда Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликлари ногиронлар меҳнати билан боғлиқ муносабатларга тааллуқли қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар ижросини назорат қилиш, лозим топилса, уларга зарур ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш чораларини кўрсалар, айни муддао бўлар эди.

Холида ЭГАМБЕРДИЕВА
«ISHONCH»



СУВНИ ТЕЖАШ ФАҚАТ ВАЗИРЛИКНИНГ ВАЗИФАСИ ЭМАС

«Ishonch» газетасининг 2024 йил 18 январдаги сонида «Қош қўяман деб, кўз чиқармайлик» сарлавҳали мақола эълон қилинган эди. Унга Сув хўжалиги вазирлиги қуйидаги мазмунда муносабат билдирди:

Тупроқ ўзанли суғориш тармоқларида сувнинг 30-35 фоизи йўқотилиши илмий ўрганилган, бетонлаштириш орқали сув йўқотилишини камайтириш мумкинлиги эса барчага аён.

Шу боис, Президентимиз томонидан «Каналларни бетонлаштириш бўйича долзарб йил» эълон қилиниб, вазирлик тизимида сувни тежаш бўйича фавқулодда иш тизимига ўтилиши белгиланди.

2024 йилда сув хўжалиги ташкилотлари ҳисобидаги 1 минг 519 километр, яъни 2023 йилга нисбатан 4 баробар кўп магистрал ва хўжаликлараро каналларни бетонлаштириш вазифаси қўйилди. Бунда:

554,5 км. 2024 йил вегетация даврига қадар бюджет маблағлари ҳисобидан;

648,3 км. 2024 йил вегетация давридан кейин халқаро молия институтлари маблағлари ҳисобидан;

316,6 км. хорижий инвестиция маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгиланган.

Вегетация даврида (апрель-сентябрь ойларида) бетонлаштириш ишларини амалга ошириш мақсадида каналларда вақтинча сув очиш ва ёпиш режа-графикларини тасдиқлаш кўзда тутилган.

Ҳозир 2024 йил вегетация даврига қадар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган 554,5 км. каналларни реконструкция қилиш ишлари бошланган. Объектларга 700 та қурилиш техникаси ва механизмлар ҳамда 1900 нафардан ортиқ ишчи-қурувчи жалб қилиниб, 155,2 км. каналда ер ишлари, 64,9 км. каналда бетонлаштириш ишлари бажарилди.

Шунингдек, барча ҳудудларда ички суғориш тармоқларини бетонлаштириш тадбирлари ҳам олиб борилмоқда. Ўтган 2023 йилнинг кузидан буён кластер ва фермер хўжаликлари маблағлари ҳисобидан жами 5,9 минг км. ички суғориш тармоқлари бетонлаштирилган.

Мақолада пойтахтдаги Салор канали ёқалари ўзлаштирилиб, у ерларга уй-жой ёки овқатланиш шохобчалари қуриб олингани таъкидланиб, бу сув йўлларини бетонлаштириш қандай амалга оширилиши савол остига олинган.

Очиғини айтиш керак, Салор канали Тошкент шаҳар ҳокимияти тасарруфида бўлиб, сув хўжалиги ташкилотларига қарамагани сабабли уни бетонлаштириш дастурларимизга киритилмаган.

Сув тақчиллиги йилдан йилга кучайиб бораётган ҳозирги шароитда оммавий ахборот воситалари шу мавзуга кўпроқ мурожаат қилиб, барчани сувни исроф қилмасликка, обиҳаётни тежашга даъват этаётгани бизни хурсанд қилади. Сабаби, сувни тежаш бир ёки бир нечта вазирликнинг вазифаси эмас. Барчамиз бир ёқадан бош чиқариб, аввало, сувдан фойдаланиш маданиятимизни юксалтира олсак, натижага эришамиз ва келажак авлод олдида юзимиз ёруғ бўлади.

Сув хўжалиги вазири ўринбосари Д.ҲОЖИАҲМЕДОВ

Sizlarg‘a vasiyat qilaman. Maorif yo‘lida ishlaydurg‘on muallimlarning boshini silangizlar!
O‘rtadan nifoqni ko‘taringiz! Turkiston bolalarini ilmsiz qo‘ymangizlar!

Mahmudxo‘ja Behbudiy

2024-YIL 25-YANVAR, PAYSHANBA
№ 13 (4921)

Анжуман

МИЛЛИЙ МАТБУОТ ҚЎМАГИГА ТАЯНГАН АЛЛОМА

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети (ЎзЖОКУ)да улуғ алломамиз Маҳмудхўжа Беҳбудий таваллудининг 149 йиллигига бағишланган халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. «Маҳмудхўжа Беҳбудий публицистикаси ва жадид матбуотида ижтимоий-сиёсий масалаларнинг ёритилиши» деб номланган бу анжуманда Туркий тилли давлатлар журналистлар уюшмаси, Туркия телерадио ташкилоти вакиллари, Тошкент давлат шарқшунослик университети, Ўзбекистон халқаро ислом академияси каби қатор олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, тадқиқотчи-мутахассислар қатнашдилар.

Тадбирни ЎзЖОКУ ректори Шерзодхон Қудратхўжа кириш сўзи билан очиб берди. Унинг таъкидлашича, маърифатпарвар бобокалонимизнинг ўта мураккаб даврда кечган машаққатли ҳаёти, ниҳоятда кенг, сермазмун ва серқирра сиёсий, илмий, ижодий фаолияти ва мероси адабиёт, тилшунослик, диншунослик, сиёсат, тарих, фалсафа, география фанлари доирасида ўрганилган. Улар бўйича миллий ва хориж илм-фанида

талай тадқиқотлар олиб борилган. Табиийки, бундан матбуот, журналистика соҳаси ҳам мустасно эмас. Чунки Маҳмудхўжа Беҳбудий миллий мустақиллик учун барча ҳаракатларини матбуот орқали амалга оширган.

Қатағон қурбонлари хотираси давлат музейи директори, тарих фанлари доктори Бахтиёр Ҳасанов келтирган маълумотларга қараганда, Маҳмудхўжа Беҳбудий «Самарқанд» газетасига ва илк миллий журнал «Ойина»га асос солган. 1906 йилда Русия мусулмонлари иттифоқининг Нижний Новгородда ўтказилган қурултойида ўзбек зиёлиларидан биринчи бўлиб иштирок этган ва нутқ сўзлаган. Мухторият шўролар томонидан ваҳшиёна бостирилгач, Беҳбудий 1919 йил эрта баҳорда мамлакатдан чиқиб кетаётган пайти Шаҳрисабзда Бухоро амирлиги одамлари томонидан қўлга олиниб, зиндонга ташланган ва қатл этилган. Унинг қабри қаердалиги номаълум. Ҳозир бу борадаги изланишлар давом эттирилмоқда.

Дарвоқе, эндиликда оғир вазиятларда халқ тақдири, юрт тараққиёти учун курашган жадидчиларнинг ўлмас мероси қайта тикланмоқда, таваллуд саналарини нишонлашга алоҳида эътибор берилмоқда. Жумладан, олий ўқув юртларида Беҳбудий стипендиялари жорий этилмоқда. Миллий журналистикамиз тамал тошини қўйган жадид боболаримизнинг ҳаёти ва ижоди, миллат ва мамлакат равнақи йўлидаги хизматларини ўрганиш эса барчамизнинг бурчимиздир. Бу сафарги анжуманни ўтказишдан асосий мақсад ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий ва жадид матбуотининг бой мероси ва анъаналарини ўрганиш, мамлакатимизда ва чет элларда айни йўналишда олиб борилаётган илмий-тадқиқотлардан бохабар бўлиш, келгусида хорижлик мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш учун замин яратишдир.

Феруза РАҲИМОВА
«ISHONCH»

Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар

Оғриқ тишлар

МАРДИКОР АЁЛЛАР ҚИСМАТИ

Биз катта-кичик давраларда аёл зотининг муқаддаслиги, бугунги ўғил-қизларимиз келажагимиз ворислари эканлиги ҳақида кўп сўз юритамиз, уларни баландпарвоз гаплар билан улуғлаймиз. Мен бундай ҳамду саноларни эшитганимда, негадир кўз ўнгимда кўпинча мардикор аёллар, она меҳрига зор болалар гавдаланади. Бу бежиз эмас, албатта...

Бир гал ишим тушиб, «Тошкент» автовокзалига бордим. Бу ердан Москва ва Новосибрскка ҳам автобуслар қатнови йўлга қўйилган экан. Республикамизнинг турли вилоятларидан ўша шаҳарларга отланган йўловчилар орасида аёллар ҳам кўп эди. Аксарияти фарзандлари билан. Гап-сўзларидан англашимча, улар ўзга юртларга саёҳат учун эмас, деярли ҳаммаси ишлаш учун кетаётган ёки мардикорлик қилаётган эрининг ёнига ошиқаётган экан. Автобус бир қўлида оғир сумкани кўтарган, иккинчиси билан боласининг қўлидан тутган, баъзилари чақалоғини кўксига босган аёллар билан тўлганди.

Мардикор аёллар қисмати ҳақида эшитганингизда, ҳаёт нақадар мураккаблигини ўйлайсиз. Айниқса, уларнинг ожизлигидан фойдаланишга уринаётган разил инсонлар ҳам борлигидан огоҳ топсангиз, «Аёлнинг жони қирқта» деган гап беихтиёр ёдингизга тушади.

Табиийки, юқоридаги жумлаларни ўқиб, кимлардир «Ўша аёллар бегона юртларда мардикорлик қилгандан кўра, ўз Ватанимизда ишлаб, пул топса бўлмайдими?» дейишлари мумкин. Мен уларнинг саволларига савол билан билан жавоб қайтармоқчиман. Аввало, ҳамма туман-шаҳарларимизда ҳам иш ўринлари етарлими? Иккинчидан, ҳозир деярли барча вилоятларимизда бир нечтадан мардикор бозорлари борлигини биласизми? Уларда талабгорларнинг кўпчилиги иш топа олмай, тушга қадар ёки кечгача сарғайиб ўтирганини-чи?..

Тошкентнинг биқинидаги Назарбек мардикор бозорига ҳар куни 40-50 киши вақтинчалик иш излаб келади. Ораларида 60-65 ёшли кекса аёллар ҳам бор. Аксарияти турли вилоятлардан келиб, бозор яқинидаги маҳаллада ижарага берилган хонадонларда яшайди. Эвазига суткасига 15-20 минг сўмдан ҳақ тўлайди.

Анчадан буён шу ерга келиб, мардикорлик қилаётган Назира опа ўзаро суҳбатимиз чоғида бизга ўзининг ҳаёти ҳақида сўзлаб берди. Унинг гапларини эътиборингизга ҳавола қилишни лозим топдик:

– *Асли сурхондарёликман. Вояга етмаган икки ўғлим, бир қизим бор. Пойтахтда мардикорлик қилаётганимга салкам беш йил бўлди. Ҳар куни эрталаб соат бешда уйғонаман. Йўл-йўлакай «Ишқилиб, бугун омадим чопсин, иш топайин!» деб дуо қилганча, «пятак»ка шошиламан. У ерда эркаклар бир томонда, аёллар иккинчи томонда туриб, мижоз кутишади. Бирорта одам келиб, мардикорлардан «Қўлингиздан қандай иш келади? Уй тозалашни эплайсизми? Дала ишларини бажара оласизми?» деб сўрайди. Кейин ўзига ёққан кишини танлаб олиб кетади.*

Мен дала ишларига ҳам кўп бораман. Иссиқхонада помидор, бодринг узиш, ер чопиш, ўтини тозалаш каби юмушлар билан шуғулланаман. Ўша ерда шоша-пиша нонушта қилиб оламан. Ишлаш жараёнида ҳар хил одамларни учратаман. Айримлари «Опа, бироз дам олинг» деса, баъзилари сув ичиб олиш учун ишни бир зумга тўхтатсангиз ҳам дарҳол танбеҳ беради. Иссиқ ёки совуқдан қийналсангиз, парво қилмайдиганлари ҳам топилади. Шунақа одамларни касри уриб, бир сафар қиш чоғи ишга чиққанимда буйрагимни қаттиқ шамоллатиб олганман.

Кечқурун олдиндан белгиланган вақтда ижара уйга қайтамиз. У аслида бир неча йиллар олдин оғилхона бўлган. Бу устунлари кўплигидан, охурлари сақланиб қолганидан ҳам билиниб туради. Эгаси уни кўпроқ одам яшашига мўлжаллаб таъмирлаган. Шу боис нархи бошқа хонадонларникига нисбатан пастроқ. Бундан ташқари, кунлик тўлов қилиб, янада арзонроққа яшаш мумкин. Кўпинча бир хонасида эркаклар, иккинчисида хотин-қизлар тунашади.

МЕН ДАЛА ИШЛАРИГА ҲАМ КЎП БОРАМАН. ИССИҚХОНАДА ПОМИДОР, БОДРИНГ УЗИШ, ЕР ЧОПИШ, ЎТИНИ ТОЗАЛАШ КАБИ ЮМУШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНАМАН. ЎША ЕРДА ШОША-ПИША НОНУШТА ҚИЛИБ ОЛАМАН. ИШЛАШ ЖАРАЁНИДА ҲАР ХИЛ ОДАМЛАРНИ УЧРАТАМАН.

Энг муҳими, мен ҳалол ишлаётганим учун мардикорлик қилаётганимдан уялмайман. Қолаверса, олти йил бурун бевага айландим. Демак, қандай бўлмасин, фарзандларимни боқишим керак. Улар онамникида яшашади. Мен 2-3 ойда бир бориб, ҳол-аҳволларидан хабар оламан.

Тўғри, мардикорлик қилиш аёллар учун қийин. Устига-устак, гоҳида шеригимсиз ёлғиз ўзим бозорга чиқсам, айрим эркаклар мени хилват гўшаларга таклиф қилишдан ҳам тап тортишмайди. Бунақа вазиятларда фурсат ғаниматида жуфтакни ростлаб қоламан. Кейин агар менда дунёга қайта келиш ва тақдиримни ўзим белгилаш имкони бўлганида, аёл бўлиб туғилмасликка интилардим, деган хаёлларга бериламан.

Бултур мактаб таътили пайти қизимни маълум муддат ёнимда олиб юришга мажбур бўлдим. Зимдан кузатсам, баъзи кишилар унга ўйноқи кўз билан қарашяпти. Бунинг оқибати яхшилик билан тугамаслигини билганим сабабли қизимни дарҳол қишлоққа қайтариб юбордим...

ТОШКЕНТНИНГ БИҚИНИДАГИ НАЗАРБЕК МАРДИКОР БОЗОРИГА ҲАР КУНИ 40-50 КИШИ ВАҚТИНЧАЛИК ИШ ИЗЛАБ КЕЛАДИ. ОРАЛАРИДА 60-65 ЁШЛИ КЕКСА АЁЛЛАР ҲАМ БОР. АКСАРИЯТИ ТУРЛИ ВИЛОЯТЛАРДАН КЕЛИБ, БОЗОР ЯҚИНИДАГИ МАҲАЛЛАДА ИЖАРАГА БЕРИЛГАН ХОНАДОНЛАРДА ЯШАЙДИ.

Дарвоқе, ишга ёлловчилар орасида аёлларнинг юз-кўзига ва қадди-қоматига қараб танлайдиганлари ҳам учраб туради. Шунданми, чиройли бўянган хотин-қизлар тезроқ иш топишади. Баъзи аблаҳ кимсалар аёлларнинг соддалиги ва ожизлигидан ғараз ниятда фойдаланишга ҳаракат қилган, уларни уй тозалаш баҳонасида олиб кетиб, тегажоғлик қилган ҳолатлар ҳам учраб туради.

Шу ўринда яна бир гап. Интернет саҳифаларида мардикорлар учун телеграм гуруҳлари мавжуд. Уларда турли-туман эълонлар бериб борилади. Кимдир «Хотин-қизлар учун ҳалол иш бор, личкамга мурожаат қилинг» ёки «Уй юмушларига одам керак, қизиқувчилар личкамга ёзсин», деб телефон рақамларини қолдиришади. Иш сўраб мурожаат қилган аёлларга эса «Эрингиз билан ажрашганмисиз? Неча ёшдасиз? Менга суратингизни жўнатинг», деган хабарлар йўллашади. Бундан уларнинг асл мақсади нималигини англаш қийин эмас. Лекин ўша гапларга чув тушаётган содда аёллар, ҳатто ишни бажариш жараёнида зўравонликка учраб, соғлиғидан ва номусидан ажралаётган қизлар ҳам кўп. Шу боис хотин-қизларимиздан, аввало, мардикорлик қилмасликка, мабодо, бунга мажбур бўлган тақдирда ҳам, ҳушёрликни йўқотмасликларини, аёллик шаънига доғ туширмаслик учун ҳар қандай ишга қўл уришдан олдин етти ўлчаб, бир кесишларини сўраймиз.

Диёра РАВШАНОВА
«ISHONCH»

Саломатлик

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ МИЯНИ ОЗИҚЛАНТИРАДИ

Мия – инсон марказий асаб тизимининг энг муҳим, тана аъзоларининг барчаси меъёрида ишлаши учун ўта зарур орган саналади. Унинг фаолиятидаги энг кичик носозлик ҳам одамзод саломатлигига салбий таъсир кўрсатади. Бинобарин, турли нохушликлар рўй бермаслиги учун тўғри овқатланиш, витаминга бой масаллиқларни истеъмол қилиб, мияни фойдали витаминлар, минераллар ва ёғ кислоталари билан озиқлантириш лозим. Қуйида бунинг учун зарур маҳсулотларни эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Брокколи. Витаминлар сардори (таркибида А, С, К витаминлари, фолий кислотаси, лутеин, толалар мавжуд), шунингдек, ҳужайраларнинг қариш жараёнини секинлаштирадиган асосий антиоксидант ҳисобланган, осон ҳазм бўладиган ўсимлик оқсили манбаи. Бу турдаги карам мия тўғри ишлашига ёрдам берувчи К витамини, лутеин ва борга бой. Ундаги С витамини эса қон томирлари ва капиллярларни мустаҳкамлайди, қон айланишига, жумладан, мияга ижобий таъсир ўтказади. Ушбу маҳсулотни доимий истеъмол қилиш инсон танасидаги асосий органнинг когнитив функцияларини сезиларли даражада оширади.

Балиқ. Унинг барчаси таркибидаги ёғ кислотаси қон томирлари деворларини мустаҳкамлаш ва тозалашга ёрдам беради. Қон босимини меъёрида ушлаб туришга, юрак-қон томир хасталиклари ривожланиши хавфини камайтиришга ва метаболизмни яхшилашга ёрдам беради. Қизил икра ҳам ўз таркиби бўйича етакчи ҳисобланади. Шунингдек, «Омега-3»дан керакли миқдорда фойдалансангиз, миянгиз яхшироқ ишлай бошлайди, ақлий фаоллигингиз ошиб, хотирангиз кучаяди.

Ёнғоқ. Мелатонин, магний, кўп тўйинмаган ёғли кислоталар, мия учун фойдали «Омега-3» (алфа-линоленик кислота), «Омега-6» ва «Омега-9» каби элементларга бой. Уни мунтазам тановул қилиш орқали инсон маълумотни тезроқ идрок этиб ва қайта ишлаб, хотира ва бошқа когнитив функцияларни яхшилайди. Ёнғоқ Е витаминига ҳам бой бўлиб, эркин радикаллар билан фаол курашади. Ялғиғланиш, альцгеймер касаллиги ривожланиши хавфини камайтиради. Шунингдек, юракка дармон бўлиб, «ёмон» холестерин даражасини пасайтиради ва мия ҳужайралари қариши олдини олади.

Шоколад. Мия фаолияти учун фойдали. Лекин уни истеъмол қилишда муҳим бир талаб бор, яъни таркибида какао ловияси камида 55 (идеал ҳолда 70-80) фоиз бўлиши керак. Фақат қора аччиқ шоколадни танлаб, сут ва оқ шоколаддан бутунлай воз кечган маъқул. Какао ловиялари антосиянин ва антиоксидант флавонол каби моддаларга бой. Улар қон томирлари функцияларини яхшилашга ёрдам бериб, мияга қон оқимини сезиларли даражада оширади. Натижада мия ҳужайралари фаоллашади, таркибидаги магний эса хотирани ривожлантиради. Лекин шоколад кучли аллерген эканлигини унутмаслик, ундан меъёрда фойдаланиш керак.

Қовоқ уруғи. У цинк, соғлом ёғ кислоталари, магний, А ва Е витаминлар ва минералларга бой бўлиб, хотира, юрак фаолияти ва тананинг умумий чидамлилиги (иммунитет)ни кучайтиради. Бу неъматни мустақил маҳсулот сифатида ёки салатлар, пиширилган маҳсулотлар, муссли ва йогуртга қўшиб, аммо жуда юқори калорияга эга бўлгани учун меъёрида истеъмол қилган маъқул.

Хуллас, мия яхши ишлаши, ақл-ҳушимиз жойида бўлиши учун соғлигимизни доимий равишда кузатиб бориб, уни фойдали витаминлар ва микроэлементлар билан озиқлантириш лозим. Жумладан, юқорида тилга олинган неъматлардан ҳам оқилона ва самарали фойдаланиб, тўғри овқатланиш жоиз.

Раъно МАҲКАМОВА
тайёрлади

МУАССИС:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV
(tahrir hay’ati raisi),
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV
(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),
Mehriddin SHUKUROV
(Mas’ul kotib – «Ishonch»),
Valentina MARSENYAK
(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)

Bosh muharrir
Husan ERMATOV

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

Hududlardagi muxbirlar:
Qoraqalpog‘iston Respublikasi – (+998-99) 889-98-20
Andijon viloyati – (+998-99) 889-90-23
Buxoro viloyati – (+998-99) 889-90-31
Jizzax viloyati – (+998-99) 889-90-34
Namangan viloyati – (+998-99) 889-98-02
Navoiy viloyati – (+998-99) 889-90-28
Samarqand viloyati – (+998-99) 889-90-26
Sirdaryo viloyati – (+998-99) 889-98-55
Surxondaryo viloyati – (+998-90) 379-19-70
Toshkent viloyati – (+998-99) 600-40-44
Farg‘ona viloyati – (+998-99) 889-90-24
Xorazm viloyati – (+998-99) 889-98-01
Qashqadaryo viloyati – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

Navbatchi muharrir: A. Haydarov

Musahhihlar: D. Xudoyberganova, D. Ravshanova

Sahifalovchi: H. Abdujalilov

Bosishga topshirish vaqti – 22:30
Topshirildi – 22:50

Bahosi kelishilgan narxda

Manzilimiz: 100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
E-mail: ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

Umumiy adadi 35 018 ta
Shundan:
7540 nusxasi «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
19 016 nusxasi «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
8462 nusxasi «Poligraf-Press» MChJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
chop etildi.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Buyurtma G 111

1 2 3 4 5 6